# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 22 сентябрь, № 188 (5608) Шанба


# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг таклифига биноан, 19 — 21 сентябрь кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.**



Ўзбекистон Президентига юксак ҳурмат ифодаси сифатида, Ислом Каримовнинг буюк етакчилик фазилатлари ва Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ишига қўшган улкан ҳиссасининг эътирофи сифатида Жанубий Корея раҳбарининг ташаббуси билан ушбу ташрифга яна давлат ташрифи мақоми берилди.

Икки мамлакат давлат мадҳиялари ижро этилиши ва фахрий қоровул ротаси томонидан олий мартабали меҳмонга юксак ҳарбий эҳтиром кўрсатиш каби таомилларни кўзда тутувчи расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ислом Каримов ва Ли Мён Бак ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак Президент Ислом Каримов билан яна учрашиб турганидан ғоят мамнун эканини, улар ўртасидаги муносабатлар ўзаро дўстлик ва ишончга асосланганлигини таъкидлади. Корея раҳбари мазкур ташриф Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 20 йиллиги нишонланаётган йилда амалга оширилаётгани унинг аҳамиятини янада оширишини алоҳида қайд этди.

Халқларимиз азалдан савдо ва ҳар томонлама гуманитар алоқалар ўрнатган, ўзаро билим ва тажриба алмашган, бир-бирини маданий ва маънавий жиҳатдан бойитиб келган. Меҳнатсеварлик, катталарга ҳурмат ва оилавий қадриятларни эъзозлаш, меҳмондўстлик, очиққўнгиллик каби кўплаб фазилатлар ўзбек ва корейс халқларига бирдек хос бўлиб, уларни бир-бирига яқинлаштиради. Бир пайтлар ўзбек халқи тақдир тақозоси билан юртимизга келиб қолган ўн минглаб корейсларга меҳр-оқибат ва олийҳимматлик билан бошпана берганини корейс халқи ҳеч қачон унутмайди. Айни вақтда кўп миллатли Ўзбекистон халқининг ажралмас қисмига айланган мазкур миллат вакиллари юртимизга келганининг 75 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Бугунги кунда изчил мулоқотлар ва муштарак интилишлар туфайли давлатларимиз ўртасида очиқлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч, яқин стратегик ҳамкорликка асосланган муносабатлар қарор топган ва бу алоқалар кундан-кунга янги амалий мазмун билан бойиб бормоқда.

Мамлакатларимиз раҳбарлари очиқлик ва ошкоралик руҳида фикр алмашдилар ва ўзаро муносабатларни, турли соҳалардаги амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир кенг кўламли масалалар, шунингдек, томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга эга долзарб муаммолар юзасидан томонларнинг қарашлари ўхшаш эканини тасдиқладилар.

Президент Ислом Каримовнинг мазкур ташрифи мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотларнинг мантиқий давоми бўлди, томонларнинг ўзаро муносабатларнинг барча соҳаларидаги амалий ҳамкорликка янги суръат бахш этишга бўлган муштарак интилишини яққол намойиш этди.

Томонлар Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳаларда қарор топган ва 2006 йилда имзоланган Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация руҳида изчил кенгайиб ва янги мазмун билан бойиб бораётган ҳамкорликнинг бугунги ҳолатига юксак баҳо бердилар.

Ўзбекистонда Корея Республикасига жадал ривожланаётган, улкан иқтисодий, индустриал-техник ва интеллектуал салоҳиятга эга, глобал молиявий инқироз шароитида илғор инновацион технологияларни кенг жорий қилиш ва амалиётга фаол татбиқ этиш асосида барқарор ўсиш суръатларини намойиш қилаётган замонавий давлат сифатида қаралади.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг узоқ муддатли, ишончли ва вақт синовидан ўтган стратегик шериги бўлиб, мамлакатларимиз ўртасида мустаҳкам, тизимли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик қарор топган.

Сиёсий соҳада давлатлараро ва ҳукуматлараро даражада фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган, иқтисодиёт ва тижорат тузилмалари, банклар, компаниялар ўртасида ҳам изчил ҳамкорлик амалга оширилмоқда. 2011 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1,6 миллиард АҚШ долларидан ошди, жорий йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич қарийб 50 фоиз ўсди. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини ташкил этувчи 230 дан зиёд ҳужжат имзоланган.

Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси Президентларининг музокаралари якуни бўйича томонларнинг ўзаро манфаатли соҳаларда икки мамлакат халқларининг туб ва узоқ муддатли манфаатларига хизмат қилувчи ҳамкорликни истиқболда ҳам ривожлантириш мақсади тасдиқланган Қўшма баёнот имзоланди.

Президентлар Ислом Каримов ва Ли Мён Бак ҳуқуқий соҳада, сайёҳлик ва молия йўналишларида ҳамкорлик бўйича қатор ҳужжатлар имзоланганидан, шунингдек, қиймати 5 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган ва бунда Кореянинг тўғридан-тўғри инвестициялари ҳажми 3 миллиард доллардан ортиқни ташкил қилувчи шартномалар тузилганидан мамнуният изҳор қилдилар.

Мазкур лойиҳаларда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасини, Навоий шаҳри аэропорти базасидаги халқаро интермодал логистика маркази ва “Ангрен” эркин индустриал зонасини янада ривожлантириш кўзда тутилган.

Қабул қилинган ҳужжатлар ўзаро ҳамкорликнинг машинасозлик, энергетика, енгил саноат, фармацевтика, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, нефть-кимё, электроника маҳсулотлари ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби соҳаларини ҳам қамраб олган. Бу билан мамлакатларимиз стратегик ҳамкорлигининг асоси янада мустаҳкамланмоқда ва ўзаро муносабатларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш имкониятлари яратилмоқда.

Корея Республикаси Президенти дунёда беқарор молиявий-иқтисодий аҳвол давом этаётган шароитда Ўзбекистон Республикасининг мувозанатли ва барқарор ривожланаётганини юқори баҳолади.

Шунингдек, томонлар Ўзбекистонда Корея Эксимбанкининг Иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси (EDCF) линияси бўйича таълим, соғлиқни сақлаш, ахборот технологиялари, энергия таъминоти, қишлоқ хўжалиги ва экология каби соҳаларда ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга оширишда молиявий-техник ёрдам бериш бўйича ўзаро манфаатли инвестицион ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олди.

Маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидандир. Таълим, фан, спорт, тиббиёт ва сайёҳлик соҳасида ўзаро самарали ҳамкорлик давом этмоқда, талабалар, ўқитувчилар ва мутахассислар алмашиш фаоллашмоқда.

Ташриф доирасида Президент Ислом Каримов Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Кан Чхан Хи билан учрашди. Мамлакатларимизда амалга оширилаётган парламент ислоҳотлари ҳақида фикр алмашилди, ўзаро савдо-иқтисодий ва инвестицион ҳамкорликни кенгайтиришдан томонлар манфаатдор эканлиги таъкидланди.

Президент Ислом Каримов ва Спикер Кан Чхан Хи олий даражадаги стратегик ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш борасида икки мамлакат парламентларининг фаолиятига юксак баҳо берди. Томонлар парламентлараро ҳамкорликни чуқурлаштириш, икки мамлакатнинг парламент тузилмалари ўртасида алоқаларни, ахборот ва тажриба алмашишни кенгайтириш лозимлигини қайд этди.

Президент Ислом Каримов Корея Республикаси Бош вазири Ким Хван Сик билан ҳам учрашди.

Ислом Каримов ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш Ўзбекистон билан Корея ўртасидаги кўп қиррали иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили эканини ва иқтисодиётларимиз бир-бири билан рақобатлашмаслигини, аксинча, турли йўналишларда бир-бирини тўлдириб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Корея Республикаси Бош вазири икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик жадал ривожланаётганини юксак баҳолади. Бугунги кунда Ўзбекистонда 400 дан зиёд қўшма корхона, жумладан, юз фоиз Корея капитали иштирокида 64 корхона ташкил этилган. Кореялик бизнес вакилларининг фаол иштироки натижасида мамлакатимизда қатор стратегик лойиҳалар амалга оширилмоқда, хусусан, “Сурғил” кони негизида қиймати 4 миллиард долларлик Устюрт газ-кимё комплекси ва Навоий шаҳрида интермодал логистика мажмуи барпо этилмоқда.

Ислом Каримов ва Ким Хван Сик мамлакатларимиз ўртасида барча йўналишлар бўйича ўзаро ҳамкорлик кўламини кенгайтиришга икки томон ҳам доимо тайёр эканини билдирди.

Ташриф асносида Президент Ислом Каримов Корея Республикаси давлат бошқаруви ва хавфсизлиги вазири Менг Хюнг Кю, “ПОСКО” компаниялари гуруҳи президенти Чунг Жунг Янг, “Ханжин групп” ва “Кореан эйр” компаниялари раиси Чо Янг Хо билан ҳам учрашди. Учрашувларда савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, Кореянинг етакчи компанияларини янги минерал хом ашё конларига ишлов бериш, транспорт, логистика ва ахборот технологиялари соҳасига оид лойиҳаларга жалб этиш масалалари атрофлича муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Корея Республикасига давлат ташрифи Ўзбекистон билан Корея муносабатлари тарихида янги саҳифа очди.

Учрашувлар чоғида эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар икки мамлакат халқларининг узоқ муддатли манфаатларига тўлиқ жавоб бериши ва ҳамкорликнинг мавжуд бой салоҳиятини самарали амалга оширишга хизмат қилиши таъкидланди. Томонлар стратегик шерикликни фаоллаштириш, сиёсий мулоқотни кенгайтириш ва барча соҳалардаги муносабатларни ўзаро манфаатли асосда чуқурлаштиришга тайёр эканини яна бир бор намоён этди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**

*Тошкент — Сеул — Тошкент*

**Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.**

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

*2012 йил 21 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши таклиф этган кун тартибини тасдиқлагандан кейин Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2012 йил биринчи ярим йиллигидаги ижросига доир масалани кўриб чиқишга киришдилар.*

# ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2012 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИДАГИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Мажлисда таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети 2012 йилнинг биринчи ярмида Олий Мажлис маъқуллаган параметрларга мувофиқ, шунингдек, жорий йилнинг 19 январь куни ҳукумат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2012 йилга мўлжалланган дастуридаги энг муҳим устуворликларни аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда амалга ошириш туфайли ижро этилди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида иқтисодиётнинг барча соҳаларида ўсишнинг юқори суръатлари таъминланди, ЯИМ ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди.

Пухта ўйланган ижтимоий-иқтисодий сиёсат ҳисобот даврида макроиқтисодий барқарорликни, банк-молия соҳаси барқарор ишлашини таъминлади. Бундай натижага, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техника ва технология жиҳатидан қайта жиҳозлаш, ноишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш эвазига эришилди.

Натижада Давлат бюджети ЯИМга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан ижро этилди, инқироз прогнозда назарда тутилган даражада сақлаб қолинди.

Саноат тармоқларидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг ставкаси 6 фоиздан 5 фоизгача туширилганлигига қарамай, 2012 йилнинг биринчи ярим йиллигида ўтган йилнинг худди шу даврига таққослаганда солиқнинг ушбу тури бўйича бюджетга тушум 29,1 фоизга кўпайган, жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган қуйи солиқ ставкаси камайтирилганлигига қарамай, ҳисобот даврида ўтган йилнинг худди шу даврига қиёслаганда тушумлар 21,3 фоизга кўпайган.

Умуман олганда, Давлат бюджетининг даромад қисми 100,2 фоиз қилиб бажарилган.

Мажлисда таъкидлаб ўтилганига кўра, Давлат бюджетининг харажатлари ижтимоий йўналтирилганлик хусусиятига эга бўлиб, улар биринчи навбатдаги тўловларни ўз вақтида молиялаштириш, шунингдек, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалар учун ажратилган. Хусусан, бюджет харажатларининг 59,6 фоизи ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга, 9,6 фоизи иқтисодиётга, 4,4 фоизи марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга, 2,9 фоизи давлат ҳокимияти, бошқаруви органлари ва судларнинг таъминотига йўналтирилган.

**(Давоми 2-бетда).**

# САЙЛОВ ТИЗИМИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ — ДЕМОКРАТИЯНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ

*Самарқандда 19-20 сентябрь кунлари “Сайлов тизимини демократлаштириш масалалари: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси” мавзуида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси томонидан ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси офиси, Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг (ГФР) мамлакатимиздаги ваколатхонаси ва Миллий демократик институтнинг (АҚШ) филиали билан ҳамкорликда ташкил этилди.*

## Давра суҳбати

Давра суҳбатида ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Германия, Жанубий Корея, АҚШ, Украина, Франция, Исроил, Япониядан экспертлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Марказий ва вилоят сайлов комиссияларининг аъзолари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вакиллари, сайлов ҳуқуқи соҳаси мутахассислари ва олимлар иштирок этди.

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, шу жумладан, сайлов тизимида ҳам кенг кўламли демократик ислоҳотлар амалга оширилгани таъкидланди. «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида мамлакатимизни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, энг юксак демократик талаблар ва халқаро ҳуқуқ стандартларига мос миллий сайлов қонунчилиги шаклланди. Бундан ташқари, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган сайлов ҳуқуқларининг тўлиқ амалга оширилишини ишончли кафолатлайдиган сайлов қонунчилиги, шунингдек, фуқаролар ва сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларида эркин, фаол иштирок этиши учун барча зарур ташкилий-ҳуқуқий ҳамда моддий-техник шароитлар яратилди.

Буларнинг барчаси миллий сайлов тизимини босқичма-босқич ва изчил эркинлаштириш, мамлакатимиз икки палатали парламентига сайловларни умумэътироф этилган халқаро нормалар ва демократия принципларига мувофиқ ўтказиш имконини бермоқда. Давра суҳбати қатнашчиларининг таъкидлашича, сайловлар кучли фуқаролик жамиятига эга демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас таркибий қисми, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли ҳисобланади.

**(Давоми 2-бетда).**

# ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2012 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИДАГИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг ноль разряди бекор қилиниб, республикадаги барча ташкилотлар учун меҳнатга тўланадиган ҳақ тариф сеткасининг биринчи разрядидан паст бўлмаган миқдорда белгиланганлиги, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар учун қайд этилган солиқ ставкаларининг камайтирилганлиги ҳисобот даврида ўртача ойлик иш ҳақининг 19,4 фоизга, шунингдек, аҳоли жами даромадларининг 26,1 фоизга ўсишини таъминлади.

Ҳисобот даврида «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида иқтисодиётнинг турли соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга қаратилган қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Жорий йилнинг биринчи ярмида ёш оилаларга жами суммаси 14 миллиард сўмдан ортиқ миқдорда имтиёзли истеъмол ва ипотека кредитлари, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун микрокредитлар берилди. Умуман олганда, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури тадбирларини амалга ошириш учун йилнинг ўтган даври ичида молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан салкам 1,1 триллион сўм, шу жумладан, Давлат бюджети ҳисобидан 100 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилди.

Мажлисда эришилган натижалар билан бир қаторда, ҳанузгача ўз ечимини топмаган масалаларга ҳам эътибор қаратилди. Чунончи, депутатларнинг фикрига кўра, ҳисобот даврида айрим корхоналарда зиёнига ишлаш ва фойда ҳажмларининг камайишига йўл қўйилган, бир қатор бюджет муассасаларида маблағлар мўлжалланган мақсадлар учун ишлатилмаганлиги, бюджет ва тўлов интизоми бузилганлиги ҳоллари мавжуд, шунингдек, маблағлардан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ молиявий ҳуқуқбузарликларга ҳам йўл қўйилган. Таъкидландики, бундай ҳолат юзага келишининг бир қатор сабаблари бор, масалан, қонун ҳужжатларининг талабларига, хусусан, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги ва «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг талаблари тўлиқ ҳажмда бажарилмай, деб бўлмайди.

Савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган ҳисоботнинг батафсил муҳокамасида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар.

Музокаралар чоғида ЎзЛиДеП фракцияси мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шароитлар яратилганлиги ва солиқ имтиёзлари берилганлигини алоҳида таъкидлади. Саноат соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси камайтирилганлигига қарамай, ушбу турдаги солиқнинг бюджетга тушуми кўпайганлиги устида тўхтаб ўтилди. Айни бир вақтда тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган қонунларнинг талабларини жойларда амалга оширишда, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар тўлиқ ҳажмда ижро қилинишини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари талабларини амалга ошириш ҳақида таклифлар баён этилди.

ЎзХДП фракцияси депутатлари Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганлиги, хусусан, харажатларнинг 59,6 фоизи ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Қабул қилинган Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш 2012 йилнинг биринчи ярмида 510,5 мингга иш ўрни ташкил этиш имконини берди. Жумладан, уларнинг 345 мингтаси ёки 67,6 фоизи қишлоқ жойларда яратилди. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида назарда тутилган тадбирлар ҳам муваффақиятли амалга оширилаётганлиги таъкидланди. Айни бир вақтда ЎзХДП фракцияси аҳолининг ижтимоий муҳтож қатламларини, айниқса, пенсионерлар ва ногиронларни манзилли қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш зарур эканлиги тўғрисида фикр билдирди.

«Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси депутатлари оилавий тадбиркорликни ва ҳунармандчиликни янада ривожлантириш муҳим эканлигига эътиборни қаратдилар. Ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришни рағбатлантирувчи тегишли инфратузилмани яратишга ажратилаётган маблағларни самарали сарфлаш муҳим аҳамиятга молик эканлиги таъкидлаб ўтилди. «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси депутатлари туризм фаолиятига доир қонун ҳужжатларини, шунингдек, бир қатор бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш орқали хизматлар кўрсатиш ва туризм соҳасини ривожлантириш зарурлиги хусусида алоҳида тўхталиб ўтдилар, бинобарин, бу Давлат бюджетининг даромад қисмини кўпайтириш манбаларини кенгайтиришга кўмаклашади.

«Адолат» СДП фракцияси аъзолари инновацияларга асосланган иқтисодиётни модернизациялашга бюджет маблағларини самарали йўналтириш зарурлигини таъкидладилар. Бунинг учун, фракциянинг фикрига кўра, илмий тадқиқотлар ва ечимларга Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар бюджет ташкилотлари томонидан ўз вақтида ва тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлаш зарур. Бундан ташқари, депутатлар энергиянинг қайта тикланадиган манбалари тизимини ривожлантиришга маблағлар ажратиш зарурлигига ҳам эътиборни қаратдилар.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ажратилаётган маблағлар ҳажми йил сайин кўпайиб бораётганлигини алоҳида таъкидладилар. Хусусан, 2012 йилнинг биринчи ярмида атроф-муҳитни муҳофаза қилишга 47,3 миллиард сўм ажратилган. Бундан ташқари, Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларига ажратилаётган бюджет маблағларини ўзлаштиришнинг самарадорлигини ошириш зарурлиги устида ҳам тўхталиб ўтдилар.

Депутатлар бюджет интизомига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш зарурлиги тўғрисида ҳам фикр-мулоҳазалар баён қилдилар. Ҳукуматга бюджетнинг даромад қисми сифатли ижро этилишига салбий таъсир кўрсатаётган ҳолатларга, хусусан, солиқлар ва бошқа тўловлар бўйича боқимандаликка, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳолатига алоҳида эътибор қаратиш таклиф қилинди.

Парламент аъзолари Давлат бюджетига доир ҳисобот юзасидан тегишли вазирликлар ва идораларнинг вакилларига бир қатор саволлар билан мурожаат қилдилар.

Муҳокама давомида баён этилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2012 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш ва тегишли қарор қабул қилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ахборот хизмати**

---

## Тадбир

*Пойтахтимизда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан матбуот анжумани ташкил этилди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 4 июлдаги қарори билан тасдиқланган Автотранспорт воситалари конструкциясининг фойдаланиш шароитлари бўйича хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентнинг мазмун-моҳияти ва ундан келиб чиқадиган талаблар ҳақида батафсил маълумот берилди.*

# Автотранспортдан фойдаланиш ва масъулият

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил апрель ойида қабул қилинган “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни асосида ишлаб чиқилган мазкур регламент фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи, атроф-муҳитни муҳофазалаш, жисмоний ва юридик шахслар, давлат мулкини ҳимоя қилиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини янада кучайтиришга қаратилгани таъкидланди. Унда қаерда ишлаб чиқарилганидан қатъи назар, барча автотранспорт воситаларидан фойдаланиш шартлари, шу бўйича уларнинг конструкциясига қўйиладиган талаблар белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг Автомобиль ва дарё транспорти ривожини меъёрий-техник таъминлаш республика маркази бош директори Шербек Эрбековнинг айтишича, мамлакатимизда илк маротаба қабул қилинган ушбу регламент ҳаётга татбиқ этилгач, давлат стандартлари, халқаро ва давлатлараро стандартлар доирасига кирувчи эллик бешта норматив ҳужжат ўз мажбурийлигини йўқотиб, ихтиёрий тусга кириши кўзда тутилган. Бу, ўз навбатида, барча, шу жумладан, тадбиркорларнинг иш юритиши учун қулай бўлиб, ишлаб чиқарувчи, фойдаланувчи ва техник кўрикдан ўтказувчиларга енгилликлар яратади.

Регламентга мувофиқ, конструкцияси бўйича тезлиги соатига 25 километрдан ошмайдиган ёки тезлиги қонунчиликка мувофиқ, соатига 25 километрдан ошмаслиги керак бўлган автомобиллар ва прицеплар, имконияти чекланган кишилар учун махсус конструкцияланган ҳамда улар томонидан фойдаланишга мўлжалланган автомобиллар, ички ишлар органларида рўйхатда туриши шарт бўлмаган экспериментал автотранспорт воситалари, қонунчиликка биноан, ҳарбий мақсадлар, ички ишлар органлари, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва божхона учун мўлжалланган махсус автотранспорт воситалари техник тартибга солинувчи объектлар сирасидан жой олмаган.

Янги қоидаларга кўра, автотранспорт воситаларидан фойдаланаётганда ишлаб чиқарувчи корхона билан келишмаган ҳолда, уларнинг конструкциясини ўзгартириш, руль ва тормоз бошқарувидаги ҳамда бошқа таркибий қисмлардаги кўзда тутилган элементларни олиб ташлаш ёки кўзда тутилмаганларини ўрнатиш тақиқланади.

Айни чоғда тормоз ва руль бошқарувида қўлланиладиган иш суюқликлари ва деталлар ҳамда автотранспорт воситасининг бошқа таркибий қисмларини шунга ўхшаш бўлган, аммо техник ва меъёрий-техник ҳужжатларга тўғри келмайдиган суюқлик ва деталларга алмаштиришга ҳам йўл қўйилмайди.

Йиғилишда белгиланган тартибга асосан, юк машиналари йилда бир марта, йўловчи ташиш автотранспорт воситалари эса ҳар олти ойда техник кўрикдан ўтказилиши кераклиги таъкидланди. Хусусан, агар транспорт воситалари техник регламент талабларига жавоб бермаса, улардан фойдаланишга рухсат этилмайди. Шунингдек, автотранспорт воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳам регламентда кўрсатилган қоидаларга қатъий амал қилишлари шарт. Шубҳасиз, буларнинг барчаси аҳоли ҳаёти ва соғлиғи, экологик барқарорлик, хавфсизликни таъминлаш каби устувор мақсадларни янада изчиллик билан рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

**Саиджон МАХСУМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

---

## Қонун ва ижро

**«Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар».**

*(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 51-модда).*

# Жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш муддатлари ўзгартирилди

2012 йил 1 январдан кучга кирган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 277 ва 294-моддаларига қуйидаги ўзгартишлар киритилган: жорий йилдан бошлаб жисмоний шахслар томонидан мол-мулк солиғи ва ер солиғини бир маротаба тўлаш муддатлари ҳисобот йилининг 15 октябрига қадар этиб белгиланди.

Маълумки, жисмоний шахслар томонидан тўланган мол-мулк ва ер солиқлари маҳаллий бюджет даромадларини тўлдириб, маҳаллий аҳамиятга эга тадбирларни молиялаштиришга, шаҳар ва туманларни иқтисодий ривожлантириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, шунингдек, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга сарфланади.

Солиқ солинадиган мол-мулки ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ва деҳқон хўжаликлари мол-мулк ҳамда ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари ҳар йили, 1 январь ҳолатига кўра, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган тақдим этадиган маълумотларга асосан ҳисоблаб чиқарилади.

Жисмоний шахслар томонидан турар-жой фонди объектлари нотураржой фонди тоифасига ўтказилганда ёки улар томонидан нотураржой фонди объектлари (бинолар, бинодаги хоналар) мулк сифатида харид қилинганда, уларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ юридик шахслар учун белгиланган ставка бўйича тўланади.

Шунингдек, жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолияти учун берилган ер участкаларидан солиқ юридик шахслар учун тасдиқланган ставкалар бўйича ундирилади.

Агарда, ҳисоблаб берилган мол-мулк ва ер солиқлари белгиланган муддатларда тўланмаган тақдирда, Солиқ кодекси талабларига мувофиқ, тўловнинг белгиланган муддатидан кейинги кундан эътиборан ҳар бир кун учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда пеня ҳисобланишига сабаб бўлади. Пеня ундирилиши солиқ тўловчини солиқ тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди, аксинча, бу мавжуд солиқ қарзига қўшимчадир.

Шу билан бирга, жисмоний шахс томонидан ўз вақтида тўланмаган солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома бажарилмаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органлари солиқ қарзини жисмоний шахсдан ундириш тўғрисидаги ариза билан белгиланган тартибда судга мурожаат қилади ҳамда қарздорлик суд тартибида мажбуран ундириб олинади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддасига мувофиқ, қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ер солиғини мунтазам тўламай келган фуқароларнинг бутун ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқи бекор қилинади.

Шундай экан, жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер солиқларини ўз вақтида — 15 октябрдан кечиктирмай тўланг. Бу фуқаролик бурчингиздир.

**Давлат солиқ қўмитаси Ахборот хизмати.**

---

# Паралимпиадачиларимиз муносиб тақдирланди

*Хабарингиз бор, жорий йилнинг 29 август — 9 сентябрь кунлари Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида XIV Паралимпиада ўйинлари бўлиб ўтди. Мазкур мусобақада Ўзбекистон вакиллари ҳам муваффақиятли иштирок этишди.*

## Фахр

Кеча пойтахтимиздаги Олимпия шон-шуҳрати музейида ана шу нуфузли спорт анжуманининг ғолиб ва совриндорлари, шунингдек, юқори натижаларни қўлга киритган иштирокчилар ҳамда уларнинг мураббийларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда сўз олганлар таъкидлаганидек, мамлакатимизда истиқлол йилларида барча соҳалар қатори спортда ҳам юксак марралар эгалланмоқда. Президентимиз раҳнамолигида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, жисмоний тарбияни оммалаштириш, болалар спортини ривожлантириш, нафақат шаҳарларда, балки олис қишлоқ жойларида ҳам замонавий спорт инфратузилмасини шакллантириш мақсадида кенг қўламли чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилаётгани, катта куч ва маблағ сарфланаётгани бунда муҳим омил бўлмоқда.




Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Спортчиларимизнинг ҳар тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасига пухта ҳозирлик кўриши учун давлатимиз томонидан барча шарт-шароит яратиб берилди. Жумладан, Президентимизнинг 2009 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида”ги қарори асосида ҳар икки мусобақа иштирокчилари учун махсус тайёргарлик дастурлари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди. Энг замонавий спорт мажмуаларида ўқув-машғулот йиғинлари ўтказилди. Ушбу саъй-ҳаракатларнинг барчаси Лондонда юқори натижаларни қўлга киритишда алоҳида аҳамият касб этди.

XIV Паралимпиада ўйинларида 10 нафар атлетимиз спортнинг дзюдо, сузиш, пауэрлифтинг, енгил атлетика каби турлари бўйича ўз маҳоратини намойиш этди.

Муросасиз кечган беллашувларда дзюдо бўйича терма жамоамиз аъзоси Шариф Халилов кумуш медални қўлга киритди. Сузиш баҳсларида қатнашган ҳамюртимиз Кирилл Паньков XIV ёзги Паралимпиада ўйинларида икки бор Осиё рекордини ўрнатди.

Енгил атлетика бўйича ташкил этилган мусобақаларда эса Ҳусниддин Норбеков диск улоқтиришда 52 метру 5 сантиметр натижа қайд этиб, тўртинчи ўринни эгаллади. Дониёр Солиев ва Миран Саҳатов уч ҳатлаб сакраш баҳсларида, Иван Панифидин, Равил Диганшин, Ҳусниддин Норбеков ядро улоқтириш бўйича финал беллашувларида қатнашди. 100 метрга югуришда Муяссар Иброҳимова ярим финалгача етиб борди.

Тақдирлаш маросимида ана шу муваффақиятлар яна бир карра эътироф этилиб, XIV Паралимпиада ўйинлари совриндори Ш. Халиловга “Ласетти” автомобили ва пул мукофоти топширилди. Шунингдек, мусобақада юқори натижа кўрсатган спортчилар ва мураббийларнинг бир гуруҳи ҳам пул мукофотлари билан рағбатлантирилди.

**Фазлиддин АБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

---

# САЙЛОВ ТИЗИМИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ — ДЕМОКРАТИЯНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг амалдаги сайловларни кўп партиявийлик асосида ўтказиш тизими фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, жамият ва давлат бошқарувидаги ролини ошириш имконини бериши қайд этилди. Бугун мамлакатимиз фуқаролик жамияти институтлари давлат ҳокимиятининг марказ ва жойлардаги вакиллик органларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятида, сайловларнинг ҳаққонийлиги, холислиги ҳамда очиқлигини таъминлашда фаол қатнашмоқда.

Давра суҳбати иштирокчиларининг фикрича, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг изчил ривожланишини инобатга олган ҳолда, сайлов қонунчилигининг мунтазам равишда такомиллаштириб борилаётганлиги давлатимиз раҳбари томонидан янада демократлаштириш сиёсати босқичма-босқич амалга оширилаётганининг ёрқин далилидир. Сўнгги йилларда мамлакатимиз сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишлар хорижлик экспертлар томонидан ниҳоятда муҳим, деб баҳоланди.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Дьердь Сабонинг таъкидлашича, “сайловлар демократиянинг муҳим шарти ҳисобланади. Истиқлолга эришгач, ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини қуриш йўлини танлаган Ўзбекистонда қисқа муддат ичида бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ўтган вақт давомида мамлакатингиз парламентига ўтказилган сайловлар пухта ишлаб чиқилган миллий қонунчилик асосида ва халқаро меъёрларга мос тарзда ташкил этилди. Биз сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш, сайлов қонунчилигини халқаро стандартлар эътиборга олинган ҳолда уйғунлаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси ва парламенти билан яқин ҳамкорлик қилмоқдамиз. Мамлакатингизда сайлов қонунчилиги мунтазам равишда такомиллашиб бораётганлиги эътиборга лойиқдир ва бу сайлов жараёнини демократлаштиришнинг муҳим омили ҳисобланади”.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистонда демократик сайлов тизимини ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб бергани алоҳида таъкидланди. Хорижлик экспертлар ушбу дастурий ҳужжатда сайлов жараёнини янада демократлаштиришга, хусусан, “сайловолди ташвиқоти” тушунчасига аниқ таъриф бериш, уни олиб бориш турлари, шакл ҳамда усулларини, шунингдек, муддатидан олдин овоз бериш тартиб-қоидасини белгилаш, жамоатчилик фикри сўровлари маълумотларидан фойдаланишни тартибга солиш, Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайловининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга қаратилган қонунчилик ташаббусларининг ўта муҳимлиги ва долзарблигини қайд этдилар.

Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида «Сайлов эркинлигининг бундан буён ҳам таъминланиши ва сайловга оид қонун ҳужжатларининг ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ҳамда парламентимиз Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди. Уни ишлаб чиқиш давомида турли демократик давлатлар тажрибаси чуқур ўрганилди. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида сайлов комиссиялари аъзолари, сиёсий партиялар, Экологик ҳаракат, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари ва ҳуқуқшунослар иштирокида қонун лойиҳаси кенг муҳокама этилди.

Давра суҳбати қатнашчилари янги қонун лойиҳасининг қоидаларини батафсил муҳокама қилдилар.

«Турли мамлакатлар қонунларида бир-бирига ўхшаш жиҳатлар, биринчи навбатда, дунёда умумэътироф этилган демократик принциплар мавжуд, — дейди Миллий демократик институтнинг (АҚШ) Ўзбекистондаги филиали директори Кларк Плексико. — Бироқ бунда ҳар бир давлат, ҳар бир халқнинг ўз миллий манфаатлари, ривожланиш тарихи ва хусусиятлари ҳисобга олиниши керак. Ўзбекистон айнан шу асосда ўз сайлов қонунчилигини яратиб, уни такомиллаштириб бормоқда. Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида Ўзбекистонни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича қатор муҳим қонунчилик ташаббуслари асослаб берилган. Янги қонун лойиҳасининг дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибаси ва уни кенг муҳокама этиш чоғида билдирилган жамоатчилик фикри эътиборга олинган ҳолда ишлаб чиқилгани катта аҳамиятга эгадир. Бу, шубҳасиз, уни амалда муваффақиятли қўллашга ёрдам беради».

Қуддус университети профессори Владимир Месамеднинг (Исроил) фикрича, «янги қонуннинг ишлаб чиқилиши — мамлакат сайлов қонунчилигини янада демократлаштириш ва унга халқаро нормаларни имплементация қилиш бўйича навбатдаги муҳим қадамдир. Масалан, унда сайловчининг муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эгалиги ва уни амалга ошириш тартиби аниқ белгиланган. Сайловчиларга бундай ҳуқуқнинг берилиши Ўзбекистонда инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланганидан ёрқин далолатдир. Исроилда ҳам бошқа кўплаб давлатлардаги каби бундай тизим амал қилмоқда ва фуқаролар ундан самарали фойдаланмоқда».

Тадбирда янги қонуннинг қабул қилиниши ва нормаларининг ҳаётга татбиқ этилиши сайлов эркинлиги принципини тўлиқ рўёбга чиқариш, мамлакатимиз сайлов тизимини янада демократлаштириш, сайловолди ташвиқотини ўтказишда депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароитлар яратиш, шунингдек, сайловлар очиқ ва ошкоралиги принципларининг самарадорлигини ошириш имконини бериши таъкидланди.

«Сайловолди ташвиқотини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш — сиёсий партиялар ва депутатликка номзодлар учун ўз дастур ҳамда ғояларини кенг жамоатчиликка етказишнинг энг қулай ҳамда самарали воситасидир, — деди Нагоя университетининг ҳуқуқ факультети профессори Оно Кожи (Япония). — Ўзбекистон сайлов қонунчилигида бу борада тегишли нормалар мавжуд. Бироқ янги қонун лойиҳасида улар янада аниқ тартибга солинмоқда. Жумладан, нафақат даврий матбуотда барча сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларга бир хил бепул эфир вақти ва нашр майдонининг ажратилиши, балки шу мақсадда нодавлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартибининг белгиланиши сайлов кампанияси давомида тенглик ва холисликни таъминлашга хизмат қилади. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари орқали сайловолди ташвиқотини олиб бориш шакллари қонунчилик даражасида аниқ белгиланагани, шунингдек, депутатликка номзодлар шаъни, қадр-қимматига путур етказувчи маълумотларнинг тарқатилиши тақиқлангани ҳам жуда муҳимдир».

«Янги қонун лойиҳасига кўра, сайловолди ташвиқотини амалга ошириш турлари, шакллари ва усуллари, жумладан, тегишли босма, аудиовизуал ва бошқа материалларни чиқариш ва тарқатиш, сайловчилар билан учрашувлар ташкил этиш тартибини белгиловчи қўшимча нормалар киритилмоқда, — дейди Амалий сиёсат институти директори Богдана Бабич (Украина). — Бундай аниқ қоидалар сайлов кампаниясини ноқонуний амалга оширишнинг олдини олиш, барча сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларга сайловларда қатнашиш учун тенг шарт-шароитлар ва имкониятлар яратишга кўмаклашади. Сайловолди ташвиқотини нафақат сайлов куни, балки сайловга бир кун қолганда ўтказишни тақиқлаш сайловчиларга ўзининг сиёсий хайрихоҳлигини аниқ белгилаш, кимга овоз бериш ҳақида онгли равишда қарор қабул қилишга ёрдам беради».

Хорижлик экспертлар яна бир муҳим янгилик, яъни Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатларни сайлаш бўйича Ўзбекистон Экологик ҳаракати конференциясида кузатувчиларга иштирок этиш ҳуқуқининг берилиши ушбу жараённинг янада очиқ ва ошкоралигини таъминлаш имконини яратишини таъкидладилар.

«Франция сайлов қонунчилиги икки юз йиллик тарихга эга, лекин ҳалигача унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда, — дейди Гавр университети профессори Пьер Шабаль (Франция). — Мамлакатингизда қисқа вақт — мустақил ривожланишнинг 21 йили давомида демократия талабларига жавоб берадиган миллий сайлов қонунчилиги шаклланиб, мунтазам такомиллаштирилаётгани Ўзбекистоннинг демократик жамият қуришга интилаётганидан ёрқин далолатдир. Бунда асосий эътибор сайловларни адолат мезонлари асосида, тенг ҳуқуқлилик, очиқ-ошкоралик принциплари бўйича ўтказишга қаратилмоқда. Мазкур қонун лойиҳаси бу борадаги ишларнинг мантиқий давомидир. Масалан, кузатувчиларга, шу жумладан, хорижий кузатувчиларга Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш бўйича конференциясида иштирок этиш ҳуқуқининг берилиши сайловларнинг очиқ ва ошкоралигини таъминлайди».

Давра суҳбати иштирокчилари ўз чиқишларида сайлов қонунчилигини Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ такомиллаштириш кўп партиявийликни ривожлантириш ва партияларaро рақобатни кучайтириш, сайлов жараёнини янада эркинлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилиши, мамлакатимизда демократик жараёнларни чуқурлаштиришнинг муҳим омили бўлишига ишонч билдирдилар. Улар Ўзбекистонда сайлов тизимини демократлаштириш борасида катта тажриба тўплангани ва ундан бошқа мамлакатлар ҳам фойдаланиши мумкинлиги ҳақида якдил фикрга келдилар.

Давра суҳбати якуни бўйича тегишли тавсиялар қабул қилинди.

**Анна ИВАНОВА, Ғолиб ҲАСАНОВ, ЎзА мухбирлари.**

# Кўламли лойиҳалар ва имтиёзли сармоялар

## юрт тараққиёти ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда

### Молия муассасаларида

*Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Чунки ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни ушбу соҳа истиқболисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис мамлакатимизда истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида тадбиркорлар фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, улар учун қулай ишбилармонлик муҳити яратишга катта эътибор қаратилмоқда.*



**П**ировардида хусусий сектор мамлакатни тараққиёт сари етаклаётган кучга, иқтисодиётимизнинг мустаҳкам таянчига айланиб бораётир. Табиийки, бунда молия муассасаларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Маълумки, маҳсулотлари ва кўрсатаётган хизматлари рақобатбардош ҳамда сифатли бўлмаган тадбиркорлик субъекти ички ва ташқи бозордан мустаҳкам жой эгаллай олмайди. Бунинг учун пухта бизнес лойиҳа ҳамда илғор технологиялар зарур. Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки мазкур йўналишда тадбиркорларнинг энг яқин ҳамкори ва мададкорига айланиб бормоқда, десак, муболаға бўлмайди. Хусусан, банкнинг Сирдарё вилояти бўлими фаолияти бунга яққол мисол бўла олади.

Мижозларга кредит бериш, айниқса, инвестициявий йўналишдаги лойиҳаларни молиялаштириш бўлим жамоасининг доимий диққат-эътиборида. Негаки, корхоналарни сармоявий қўллаб-қувватлаш иқтисодий юксалишни таъминловчи муҳим омилдир. Бу борада амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар самараси ўлароқ, молия муассасаси хизматидан фойдаланувчилар сони тобора ортиб бораётир. Масалан, ўтган йили бўлим томонидан 7235 та мижозга банк хизматлари кўрсатилган бўлса, жорий йилга келиб, мазкур кўрсаткич 7451 тани ташкил қилди.

Қолаверса, тадбиркорлик соҳасининг изчил ривожланиши билан мазкур соҳага йўналтирилаётган сармоялар миқдори ҳам ошиб бораётир.

**Ж**умладан, бўлим жамоаси йил бошидан буён мижозларга 14 миллиард 295,2 миллион сўмлик кредит ажратди. 2012 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, банкнинг кредит қўйилмалари ҳажми 17 миллиард 523,3 миллион сўмни ташкил қилди. Эътиборлиси, шундан асосий қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келди. Бошқача айтганда, ушбу соҳа ривожи учун кўзда тутилган 6 миллиард 167,8 миллион сўм ўрнига 9 миллиард 424,5 миллион сўм кредит маблағлари йўналтирилиб, белгиланган режа 154,8 фоизга бажарилди.

— 2008 йилда иш бошлаган эдик, — дейди Янгиер шаҳридаги "Ихтирочи" корхонаси раҳбари Саидвали Бобохонов. — Орадан бир йил ўтиб, фаолиятимизни кенгайтириш мақсадида бизнес-лойиҳа туздик. Уни Миллий банк Сирдарё вилояти бўлими қўллаб-қувватлади ва 132 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратди. Ушбу маблағ ҳисобига битта экскаватор, битта самосвал, қурилиш ашёси — профнастил ишлаб чиқарувчи ҳамда мармарга қайта ишлов берувчи технологияларни харид қилдик. Ҳозир ойига 20 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаб, буюртмачиларга етказиб бераяпмиз. Шунингдек, фаолиятимиз кенгайиши билан жамоамиз аъзолари сони 51 нафарга етди.

Қувонарлиси, вилоятда банк кредити асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўяётган, қўшимча иш ўринлари ташкил этиб, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилаётган бундай тадбиркорлар кўп.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги ривожида илғор техника воситаларининг алоҳида ўрни бор. Қолаверса, бу сифат ва самарадорликни таъминловчи асосий омиллардан биридир. Шу боис мамлакатимиздаги фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари, аввало, ана шундай замонавий ускуналарни харид қилишга алоҳида эътибор қаратадилар. Бундай хайрли ташаббуслар, истиқболли лойиҳалар эса Миллий банк жамоаси томонидан доимо қўллаб-қувватланиб, соҳа вакилларига имтиёзли кредитлар ва микросармоялар ажратилмоқда.

Ховос туманидаги "Xovos Madad Kuchlari" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги муқобил машина трактор паркининг ана шундай истиқболли лойиҳаси ҳам банк томонидан молиялаштирилган эди. Ажратилган 2 миллиард 175,2 миллион сўмлик узоқ муддатли кредит эвазига "Arion 630 C" русумли ҳайдов тракторлари, "ТТЗ" русумли қишлоқ хўжалиги техникалари, эҳтиёт қисмлар харид қилинди. Бу орқали жамиятнинг хизмат кўрсатиш кўлами кенгайиб, 57 киши доимий даромад манбаига эга бўлди.

Яна бир мисол: Оқолтин туманидаги "Оқолтин Бош Агротехсервис" масъулияти чекланган жамияти ҳудуддаги 384 та фермер хўжалигига хизмат кўрсатади. Корхона банкнинг 1 миллиард 260 миллион сўмлик кредити ҳисобига бешта "New Holland TC 5060" русумли комбайн харид қилди. Натижада ушбу техника воситалари орқали жорий мавсумнинг ўзида 300 миллион сўмликдан ортиқ хизматлар кўрсатилди.

Қолаверса, кичик бизнесни ривожлантириш иқтисодий ночор ва камқувватли корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳудудий дастурига биноан, "Ipak Sherdor Sheroziy" масъулияти чекланган жамияти 65 миллион сўмлик, пишган ғишт ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Меҳри дарё сервис" масъулияти чекланган жамияти эса 400 миллион сўмлик маблағ билан таъминланди. Ушбу истиқболли лойиҳалар самараси ўлароқ, 30 та иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2006 йил 17 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида 2006 — 2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2007 йил 21 майдаги "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида 2012 йилнинг 8 ойида 102,1 миллион сўм миқдорида маблағлар тақдим қилинди. Хусусан, Гулистон шаҳридаги "Гулирухсора севинч" хусусий корхонаси банкнинг 13 миллион сўмлик кредити ҳисобига "Гўзаллик салони"ни қуриб ишга туширди.

Биламизки, юртимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб жамиятда хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларни тадбиркорликка жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Бу ислоҳотлар жараёнида Миллий банк жамоаси ҳам ўз молиявий хизматлари билан қатнашиб келмоқда. Пировардида аёлларнинг ўз бизнес лойиҳаларини амалга оширишлари учун сармоялар ажратилаётгани жойларда тадбиркорликнинг ривожланишига хизмат қилаётир. Жумладан, молия муассасасининг вилоят бўлими томонидан жорий йилда ушбу мақсадлар учун 337,5 миллион сўмлик кредит ажратилиши режалаштирилган эди. Амалда 396,7 миллион сўм ажратилиб, бу кўрсаткич 117,5 фоизни ташкил этди. Натижада 108 кишининг доимий иш билан таъминланишига эришилди.

Аҳолининг эҳтиёжманд қатламини қўллаб-қувватлаш ҳам банк жамоасининг доимий эътиборида. Хусусан, бўлим томонидан кам таъминланган 16 нафар фуқарога чорва моллари сотиб олиш, чорвачиликни ривожлантириш учун 80 миллион сўмлик узоқ муддатли имтиёзли кредитлар тақдим этилди.

Албатта, мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган. Зеро, эл фаровонлиги, оилалар мустаҳкамлиги, хонадонлар файзу баракаси юрт тараққиётини белгилаб беради. Шу маънода, Миллий банкнинг Сирдарё вилояти бўлими жамоаси ҳам "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ҳамда Президентимизнинг тегишли фармон ва қарорлари асосида ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларга уй-жой, истеъмол товарлари харид қилишлари учун кредитлар ажратишга устувор вазифа сифатида қарамоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 21 оила банкнинг 260,2 миллион сўмлик молиявий мададидан баҳраманд бўлгани бунга бир мисолдир.

**И**нтилиш ва изланиш тараққиётни таъминловчи муҳим асосдир. Шундан келиб чиқиб, Миллий банкнинг Сирдарё вилояти бўлими жамоаси ҳам кўрсатиладиган хизмат турларини такомиллаштириб боришга ҳаракат қилмоқда. Зеро, мижозлар манфаати устувор мезондир.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗТРАНСГАЗ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ,

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2012 йил 17 сентябрдаги 19-03-22-05-Ўзр-49-2012-сонли нархларни рўйхатга олиш реестрига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси иссиқлик таъминоти корхоналарига етказиб бериладиган табиий газ нархи 2012 йил 1 октябрдан ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда, <u>1000 куб метри учун 122 850 сўм</u> қилиб белгиланди.

**Аҳоли ва улгуржи истеъмолчиларга иссиқлик энергияси етказиб берувчи, табиий газ учун алоҳида нарх қўлланиладиган иссиқлик таъминоти корхоналари рўйхати**

1. «Коммуналык ыссыклик орайы» ОАЖ
2. «Таштеплоцентраль» ОАЖ
3. «Бухороэнергомарказ» АЖ
4. «Фарғонаэнергомарказ» ОТАЖ, унинг Кувасойдаги шўъба корхонаси ҳам киради
5. «Таштеплоэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмаси
6. «Қўқонэнергомарказ» ОАЖ
7. Андижон вилояти «Иссиқлик манбаи» ОАЖ
8. Бухоро вилояти «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бошқармаси
9. Жиззах вилояти «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бошқармаси
10. Қашқадарё вилояти «Иссиқлик манбаи» ОАЖ
11. Наманган вилояти «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бошқармаси
12. Навоий вилояти «Иссиқлик манбаи» МЧЖ
13. Самарқанд вилояти «Иссиқлик манбаи» ОАЖ
14. Сурхондарё вилояти «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бошқармаси
15. Сирдарё вилояти «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бошқармаси
16. Тошкент вилояти «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бошқармаси
17. Фарғона вилояти «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бошқармаси
18. Хоразм вилояти «Иссиқлик манбаи» ОАЖ
19. «Ташкентская теплоэлектроцентраль» ОАЖ
20. Навоий КМК (5-кон бошқармаси қозонхонаси, НКМКнинг аҳолига хизмат кўрсатувчи Шимолий, Марказий ва Жанубий кон бошқармалари)
21. «Тахиаташ ыссыклык тармагы» МЧЖ
22. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Мирзо Улуғбек тумани Улуғбек қўрғонидаги таъмирлаш-қурилиш фойдаланиш корхонаси

<u>***Эслатма:***</u>

***1.*** *Табиий газ калория учун қайта ҳисоб-китобсиз берилади.*

***2.*** *Мазкур реестрга амал қилина бошланиши билан 2012 йил 15 мартдаги 19-03-22-05-ЎзР-10-2012 реестри ўз кучини йўқотади.*

1591-2R/233

● Реклама ва эълонлар ●

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Бухоро вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!***

**1.** Аукцион савдоларига Бухоро шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 3 августдаги ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро шаҳри, Намозгоҳ кўчасида жойлашган Бухоро ғишт заводи ҳудудидаги умумий ер майдони — 2700,0 кв.м.дан бўлган уч қаватли маъмурий бино мулкий мажмуа сифатида такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 139 200 050 сўм.***

**2.** Аукцион савдоларига Бухоро шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Бухоро вилояти судининг 2011 йил 12 августдаги 2-37-11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро шаҳри, А. Жомий кўчаси, 15/5-уйда жойлашган умумий ер майдони — 995,64 кв.м.дан иборат сауна биноси ва унинг ичидаги мулклар такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 383 947 544 сўм.***

Аукцион савдолари 2012 йил 11 октябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2012 йил 9 октябрь куни соат 18:00.

Савдога қўйилган мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан бошлаб 16.00 гача қабул қилинади (тушлик вақти — 13.00 дан 14.00 гача).

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Бухоро филиалининг ОАТ «Турон» банки Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304920609016, МФО: 00111, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдолари ўтказиладиган манзил — Бухоро ш., Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават. Тел.: (8-365) 223-71-30. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

1593R/1441

*Лицензия: RR-0001.*

«Ўзбекнефтегаз» Миллий холдинг компанияси
«Ўзнефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси

ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ

**қуйидаги кимёвий реагентларни сотиб олиш юзасидан 12/12-рақамли тендер савдосини эълон қилади:**

| Лот сони | Маҳсулотнинг номи | Миқдори |
|---|---|---|
| Лот №1 | Бойитилган кўмир | 103,719 $м^3$ |
| Лот №2 | Диметилдисульфид (DMDS, (CH3)2S2) | 50 тонна |
| Лот №3 | Каустик сода 98%, NaOH | 519,575 тонна |
| Лот №4 | Пеларгон кислотаси (PG) | 99,37 тонна |
| Лот №5 | 2,4-пентандион (PD) | 66,2 тонна |
| Лот №6 | «Ирганокс» 1010 (AO8) | 74,675 тонна |
| Лот №7 | Витон қаттиқ қоришмаси G 84/25 | 15,6 тонна |
| Лот №8 | Бойитилган кўмир (8x30) | 62 $м^3$ |
| Лот №9 | Сокатализатор CT (TEA) | 13,2 тонна |
| | Сокатализатор CD | 4,02 тонна |
| | Сокатализатор CJ | 3,81 тонна. |

***Тендер эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб 30 кун давом этади.***
***Тендер таклифи бир шартнома доирасида 1 000 000 АҚШ доллари миқдоридан ошиб кетмаслиги зарур.***

**Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:**

**Ўзбекистон Республикаси, 180300, Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Шўртан қўрғони, «Шўртан газ-кимё мажмуаси».**
**Тел./факс: (+99875) 780-85-72. Факс: (+99875) 221-09-04, 221-08-46.**

**Электрон почта: tender@sgcc.uz Web site: www.sgcc.uz www.tenderweek.com**

1596A/88

Сертификатланган



SUVMASH
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

www.tuv.com TÜVRheinland Zn: 7510060083 ISO 9001:2008 Certifed Management System

НАСОСЛАР
тайёрлайди ва таъмирлайди








"ЭЦВ" РУСУМЛИ ҚУДУҚҚА МЎЛЖАЛЛАНГАН
"Д" РУСУМЛИ ЁТИҚ
"К" РУСУМЛИ ТАГЛИККА ЎРНАТИЛГАН
"НК" НЕФТЬ НАСОСЛАРИ
НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ
шунингдек, уларнинг эҳтиёт қисмлари.








**Ўзбекистон Республикаси, 100182, Тошкент ш., Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 13.**
**Тел.: (+99871) 295-13-00, 295-06-35, 295-06-37, 295-19-08. Факс: (+99871) 295-51-08.**
**E-mail: office@suvmash.uz; suvmash@mail.ru sales@suvmash.uz www.suvmash.uz**

622R/460

## ОБ-ҲАВО

(22 сентябрь)

| Ҳудуд | Тунда | Кундузи |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | +8 +13 | +22 +27 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | +10 +15 | +26 +31 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | +10 +15 | +26 +31 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | +11 +16 | +27 +32 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | +10 +15 | +25 +30 |
| Тошкент шаҳрида | +9 +11 | +26 +28 |

## Qishloq Qurilish Bank

*Бугунги кунда дастурхонимиз тўкинлиги, бозорларимиздаги мўл-кўлчилик мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми тобора ошиб бораётганидан далолат беради. Қолаверса, замин неъматларини етиштиришдан уни қайта ишлаб, истеъмолчиларга етказиб беришгача бўлган барча жараён илғор инновацион технологиялар асосида амалга оширилаётгани ички эҳтиёждан ортган маҳсулотларни экспорт қилиш имконини ҳам яратмоқда.*

# ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ЯҚИН КЎМАКЧИСИ

Табиийки, бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда ишбилармонларимизнинг хизмати беқиёс.

Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманида фаолият юритаётган “Эко консерва барака” агрофирмаси ҳам ана шундай илғор хўжалик субъектларидан биридир. Масъулияти чекланган жамият шаклидаги мазкур корхона ишни дастлаб хўл меваларни консервалашдан бошлаган эди. Ўшанда маҳаллий ёшлардан 6 нафари ишга жалб қилинди. Кейин эса сабзавотни қайта ишлаш ўзлаштирилиши билан жамоа аъзолари сони 18 нафарга етди. Эътиборлиси, уларнинг 8 нафари касб-ҳунар коллежларини битирган йигит-қизлардир. Бинобарин, маҳсулотлар тури ва ҳажми ҳам кескин ортди. Ҳозир бу ерда кунига 30 тонна сабзавот ва 50 тоннадан зиёд полиз маҳсулотлари қайта ишланиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

Албатта, ҳар қандай бизнес-лойиҳани рўёбга чиқариш учун маълум миқдорда сармоя талаб этилади. Бу борада тижорат банклари тадбиркорларнинг яқин кўмакчисига айланган. Хусусан, “Эко консерва барака” жамоаси 2011 йилдан буён “Қишлоқ қурилиш банк” ОАТБ Яккабоғ филиали билан яқин ҳамкорлик қилиб келади. Бу эса жамият қошида қўшимча тармоқларни ташкил этиш имконини бераётир. Мазкур молия муассасаси кўмаги билан корхона қошида паррандачилик хўжалигининг ташкил этилгани сўзимизга яққол мисолдир. Айтиш жоизки, истиқболли лойиҳа рўёби учун банк филиали томонидан дастлаб 200 миллион сўмлик кредит ажратилиши ишни йўлга қўйишда қўл келди. Ушбу сармоя эвазига харид қилинган 10000 та товуқ айни пайтга келиб 21500 тага етгани, улардан кунига ўрта ҳисобда 17630 дона тухум олинаётгани бу хайрли ташаббус тезда ўз натижасини кўрсатганидан далолат беради.

Барча соҳаларда бўлгани каби паррандачилик тармоғида ҳам илғор технологиясиз муваффақиятга эришиб бўлмайди. Шуни ҳисобга олган корхона мутасаддилари жорий йил бошида хориждан 165245 АҚШ долларилик ускуналарни харид қилди. Бунда ҳам “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан жалб қилинган хорижий кредит линиялари ҳисобидан амалга оширилди. Янги технологиялар билан жиҳозланган паррандачилик мажмуасида 29120 та товуқ парваришлаш йўлга қўйилиб, кунига 23296 дона тухум ички бозорга чиқарила бошланди. Жамоа йил охирига қадар паррандалар сонини 50000 тага етказишни режалаштирган. Шунда тухум ишлаб чиқариш миқдори 41500 донани ташкил этади. Муҳими, корхона банк кредитларини ўз вақтида ва тўлиқ қайтаришга эришмоқда.

Агрофирма тадбиркорлари изланишдан тўхтагани йўқ: ўзи мижоз бўлган “Қишлоқ қурилиш банк” билан ҳамкорликда янги лойиҳалар устида иш олиб бораётир. Зеро, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш, мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик ривожига муносиб ҳисса қўшиш “Эко консерва барака” жамоасининг энг устувор мақсадидир.

**Банк матбуот хизмати.**



*Пойтахтимизда “Олтин Гепард” иккинчи халқаро Тошкент кинофорумига тайёргарлик ишларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Таниқли санъаткорлар, режиссёрлар ва санъатшунос мутахассислар қатнашган мазкур тадбирда навбатдаги йирик халқаро киноанжуманга тақдим этилган фильмлар, уларнинг ижодкорлари ҳамда кинофорум доирасида бўлиб ўтадиган учрашув ва мулоқотлар ҳақида атрофлича маълумот берилди.*

# Халқаро кинофорумга тараддуд

Қайд этилганидек, “Фонд Форум” ҳамда “Ўзбеккино” Миллий агентлиги ҳамкорлигида уюштирилаётган ушбу нуфузли киноанжуман жорий йилнинг 30 сентябрь — 5 октябрь кунлари ўтказилади. Унда Буюк Британия, Дания, Венгрия, Германия, Италия, Испания, Россия, Хитой, Польша, Хорватия, Украина, Швейцария, Япония, Эрон каби мамлакатлар вакиллари иштирок этиши кутилмоқда. Бу гал лойиҳанинг танлов ва танловдан ташқари дастурларида қатнашиш учун жами 500 га яқин тўлиқ ҳамда қисқа метражли, шунингдек, анимацион фильмлар тақдим қилинди. Кинофорум саралаш комиссиясининг якуний хулосасига кўра, 33 та фильм танловда қатнашадиган бўлди.

— Бу галги халқаро кинофорум ҳам “XXI аср тамаддунлари: маданиятлар мулоқоти” мавзуига бағишланган бўлиб, “Яширин уйғунлик ошкорасидан кучлироқ” деган шиор остида ўтказилмоқда, — дейди “Олтин Гепард” халқаро Тошкент кинофорумининг директори, санъатшунос Акбар Ҳакимов. — Ушбу нуфузли санъат анжумани “Art Week Style.Uz — 2012” санъат ҳафталиги доирасидаги энг йирик лойиҳалардан бири эканлиги боис, унга алоҳида тайёргарлик кўрилди. Кинофорум кунлари минифестиваллар, маҳорат сабоқлари, турли гала-намойиш ҳамда ижодий учрашувлар, шунингдек, киношуносларнинг халқаро илмий анжумани ўтказилади. Бундай тадбирларни ташкил қилишдан мақсад миллий кино санъатимиз ютуқларини кенг миқёсда намоён этиш ва ёш ижодкорларимизни жаҳон киносининг энг сўнгги ютуқлари билан яқиндан таништиришдир.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**ТАБИИЙ ГАЗДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ УЛГУРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**«ЎЗТРАНСГАЗ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ**

**МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ,**

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2012 йил 17 сентябрдаги 19-03-22-05-ЎзР-48-2012-сонли нархларни рўйхатга олиш реестрига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси улгуржи истеъмолчиларига етказиб бериладиган табиий газ нархи 2012 йил 1 октябрдан ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда, 1000 куб метри учун 128 000 сўм қилиб белгиланди.**

**ЭСЛАТМА:**

1. *Табиий газ калория учун қайта ҳисоб-китобсиз берилади.*
2. *Улгуржи истеъмолчиларга табиий газнинг улгуржи нархи унинг физик-кимёвий кўрсаткичларидан қатъи назар, ягона ҳисобланади.*
3. *Табиий газнинг улгуржи нархи иссиқлик таъминоти корхоналари учун алоҳида белгиланади.*
4. *Мазкур реестрга амал қилина бошланиши билан 2012 йил 15 мартдаги 19-03-22-05-ЎзР-9-2012 реестри ўз кучини йўқотади.*

1591-1R/233


## Изланиш

*Бедана гўшти ва тухуми инсон саломатлиги учун жуда фойдали. Шуни ҳисобга олган қўшкўпирлик Иброҳим Жуманиёзов бедана парваришини йўлга қўйиб, бу ишни оилавий бизнесга айлантирди.*

# Хонадондаги хазина

— Хоразм табиий муҳитида бедана кам учрайди, — дейди И. Жуманиёзов. — Ҳозир хонадонимизда 5 мингдан ортиқ япон беданасини парваришлаяпмиз. Кунига ушбу митти жониворнинг 2 минг дона тухумини бозорга чиқараяпмиз. Даромадимиз ҳам шунга яраша.

Бундан ташқари, мазкур хонадонда қирғовул, тоғ каклиги, япон товуғи, товус, цесарка каби ёввойи парранда ва қуёнлар ҳам кўпайтирилмоқда.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

● Реклама ва эълонлар ●

## РЕЕСТР 19-03-22-05-ЎзР-47-2012 ТАБИИЙ ГАЗ УЧУН ЧАКАНА НАРХЛАР

**2012 йил 1 октябрдан жорий этилади**

### УМУМИЙ КЎРСАТМАЛАР

1. Ушбу прейскурант тарифлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолига етказиб бериладиган табиий газга таалуқлидир.
2. Иситиш ускуналари туридан қатъи назар, аҳоли томонидан уй ва квартираларни иситишда табиий газдан фойдаланиш учун тўлов беш ойлик иситиш мавсуми давомида ҳар ой ҳисобидан белгиланган.
   Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан иситиш мавсуми беш ойдан ортиқ ёки кам қилиб белгиланган тақдирда, газдан фойдаланганлик учун истеъмолчилар билан тегишли тарзда ҳисоб-китоб қилинади.
3. Истеъмолчи (абонент)ларда иккита ёки ундан кўп газ плитаси ёки иссиқ сув таъминоти учун иситкич бўлса, ушбу ускуналар учун газ сарфлаш меъёри икки марта ёки ундан кўпроқ оширилади.
4. Газ ўлчагичлар ўрнатилган уй (квартира)ларда фойдаланилган газ учун тўловлар ўлчагичлар кўрсаткичи ва ушбу прейскурантда белгиланган тариф бўйича тўланади.
5. Фойдаланилган газ учун тўлов миқдорини аниқлашда хонадоннинг барча аъзолари, шу жумладан, вақтинча яшаётганлар ҳам ҳисобга олинади.
6. Иситилаётган хоналар деганда, бутун фойдали ҳажм: иситиш ускунаси қаерда жойлашганидан қатъи назар, яшаш хоналари, ваннахоналар, ошхона, ички йўлаклар, шунингдек, иситиш ускуналари бор бошқа хоналар (веранда, терасса, ойнаванд балконлар ва бошқа қўшимча қурилишлар) тушунилади.
7. Прейскурантнинг 2-бўлими тарифлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги 99-сонли ва 2003 йил 2 октябрдаги 421-сонли қарорлари билан тасдиқланган аҳолига етказиб бериладиган табиий газ сарфи меъёрлари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.
   Иситиладиган хона меъёри бир кишига 43 куб метр қилиб белгиланган.
   Хоналарни меъёрда белгиланган ҳажмда (43 $м^3$/киши) иситиш учун фойдаланилган газ ҳақи белгиланган тариф бўйича, меъёрдан ортиқча ҳажми учун эса бир ярим баробар миқдорида тўланади.
8. Автоном сув иситкич ва қозонлар орқали иссиқхона (теплица) ва оранжереяларни иситиш, якка тартибда меҳнат фаолиятини юритиш чоғида тандир, овқат пишириш учун фойдаланилган газ ҳақи улгуржи истеъмолчилар учун белгиланган тарифларда олинади. Газ ўлчагичлар йўқ бўлса, газ сарфи кечаю кундуз ишлаган газ ёқиш ускуналарининг энг юқори қуввати ва иситиш мавсумига тузилган шартномада белгиланган тартибда аниқланади.
9. Ушбу прейскурантнинг «Умумий кўрсаткичлар»и, агар қўшимча прейскурантда бошқача кўрсатилмаган бўлса, бошқа барча қўшимча прейскурантларга ҳам тегишлидир.
10. Ушбу чакана нархлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси илгари тасдиқлаган (2012 йил 15 март, реестр № 19-03-22-05-ЎзР-8-2012) нархлар ўрнига 2012 йил 1 октябрдан жорий этилади.

### 1. АҲОЛИ ТОМОНИДАН ФОЙДАЛАНИЛГАН ТАБИИЙ ГАЗ УЧУН ТАРИФЛАР *)

| Т/р | Номи | Стандарт ёки ТУ | Ўлчов бирлиги | Ўлчов бирлиги тарифи (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 1.1 | Газ ўлчагичи бор аҳолига етказиб бериладиган газ | ГОСТ 5542-87 | 10 $м^3$ | 1 228,50 |
| 1.2 | Газ ўлчагичи йўқ аҳолига етказиб бериладиган газ: | | | |
| | овқат пишириш ва иссиқ сув таъминоти учун | -"- | 10 $м^3$ | 2 125,28 |
| | иситиш учун | -"- | 10 $м^3$ | 985,60 |

### 2. ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ ЙЎҚ ҲОЛАТДА КОММУНАЛ-РЎЗҒОР ЭҲТИЁЖЛАРИГА ИШЛАТИЛАДИГАН ГАЗ УЧУН ТАРИФЛАР (ГОСТ 5542-87)

| Т/р | Истеъмолчи тавсифи | Ўлчов бирлиги | Тариф бўйича тўловлар | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Йиллик *): | Ойлик |
| 2.1 | Марказий (якка) иссиқ сув таъминоти бор уйларда овқат пишириш газ плиталари | Бир яшовчидан 11,0 $м^3$ | 28 053,60 | 2 337,80 |
| 2.2 | Газда сув иситиш ускунаси ҳамда марказий иссиқ сув таъминоти йўқ уйларда овқат пишириш газ плиталари | -"- 15,0 $м^3$ | 38 254,80 | 3 187,90 |
| 2.3 | Марказий иссиқ сув таъминоти бўлмаган ёки вақти-вақти билан ишлайдиган иссиқ сув таъминоти бор уйларни иссиқ сув билан таъминлаш учун газли иситкичлар | -"- 16 $м^3$ | 40 805,40 | 3 400,45 |
| 2.4 | Иситиш газ ускуналари туридан қатъи назар, уй ва квартираларни беш ойлик иситиш мавсуми давомида иситишда газдан фойдаланганлик учун ойига: | Иситиладиган хонанинг 1 $м^3$ учун | | |
| | Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | Хонанинг 1 $м^3$ учун 6,0 $м^3$ | 2 956,75 | 591,35 |
| | Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятларда | Хонанинг 1 $м^3$ учун 5,76 $м^3$ | 2 838,50 | 567,70 |
| 2.5 | Дағал ва илдизмевали озуқаларни буғлаш ҳамда ичириш ва санитария мақсадлари учун сув иситишни ҳисобга олган ҳолда, ҳайвонларга озуқа тайёрлаш | отга 5,6 $м^3$ | 14 281,80 | 1 190,15 |
| | | сигирга 23,7 $м^3$ | 60 442,80 | 5 036,90 |
| | | қўй (эчки)га 2,2 $м^3$ | 5 610,60 | 467,55 |
| | | чўчқага 12,5 $м^3$ | 31 879,20 | 2 656,60 |

***) Иситиш ҳақи беш ойлик иситиш мавсуми давомида тўланади.**

1591-3R/233


**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Сирдарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!***

Аукцион савдоларига Боёвут тумани СИБ томонидан, Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2011 йил 9 декабрдаги 12-1101/14573(27.1), 2011 йил 9 декабрдаги 12-1101/14579(27.1), 2012 йил 13 апрелдаги 12-1201/5831(27.1)-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, «Боёвутдавсувмахсуспудрат» ДУКга тегишли Сирдарё вилояти, Учтурғон маҳалласи, Усмон Носир бўлими ҳудудида жойлашган умумий ер майдони — 35527,0 кв.м., умумий қурилиш майдони — 3535,61 кв.м., умумий фойдали майдони — 3481,29 кв.м. бўлган 0022-литердан иборат фойдаланишга яроқли «Идора ва ёрдамчи бинолар» такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 074 494 592 сўм.***

Аукцион савдолари 2012 йил 9 октябрь куни соат 11.00 да Гулистон шаҳар, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2012 йил 5 октябрь куни соат 18:00.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (тушлик вақти — 13:00 дан 14:00 гача).

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сирдарё вилояти филиали ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

**Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона. Тел.: (8-367)226-38-91. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

1595R/1441


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси Қўмита аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуджон Тоировга волидаи муҳтарамаси

**РАФИҚА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва касаба уюшмаси қўмитаси Фалсафа кафедраси доценти, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, меҳнат фахрийси

**Исомиддин Жўлиевич ИРБУТАЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат юридик институти жамоаси Ижтимоий гуманитар фанлар кафедрасининг доценти Ҳакимали Азимовга онаси

**Кичигой ая АЗИМОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти жамоаси институт Касаба уюшмаси кенгаши раиси Равшан Норчаевга акаси

**Илмиддин НОРЧАЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.




**«CHINOZ BALIQLARGA OMUXTA YEM TAYYORLASH KORXONASI» МЧЖ**

***сифатли хом ашёдан балиқлар ва қорамоллар учун ҳар бир хўжаликка алоҳида мос келувчи рецепт асосида оқсилга бой донадор омихта ем ишлаб чиқаради.***

*Хўжаликдаги балиқ, қорамол ҳамда паррандани тўлиқ рационли, донадор омихта ем билан боқиш олинадиган маҳсулот ҳажмини 25 — 30 фоизга оширади, емлаш муддатини, маҳсулот бирлигига сарфланадиган харажатни, маҳсулот таннархини қисқартиради, қилинган меҳнат самарадорлигини, маҳсулот сифатини оширади.*



**Бизнинг манзил: Тошкент вилояти, Чиноз тумани, «Гулзообод» ҚФЙ.**
**Телефонлар: (+99893) 577-86-94, (+99894) 660-48-28, (+99871) 215-51-52. Факс: (+99871) 233-18-12.**

1234A/914



**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 66 079 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 24.00 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5